2010 йил 6 июль, сешанба



# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 130 (11.691)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАНУБИДА СОДИР ЭТИЛГАН ФОЖИАЛИ ВОҚЕАЛАР ОҚИБАТИДА ЖАБР ЧЕККАНЛАРГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИНИ КЎРСАТИШДА АЛОҲИДА ХИЗМАТ ҚИЛГАН АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФАОЛЛАРИ, ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Халқимизга хос юксак гуманизм, бағрикенглик ва меҳр-мурувват фазилатларини амалда яна бир бор намоён этиб, кўмакка муҳтож бўлган инсонларга ҳар томонлама беғараз ёрдам кўрсатишда ўзини аямасдан хизмат қилган, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган қуйидагилар мукофотлансин:*

### «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Зайдинова Гулсорахон Шералиевна** — Андижон шаҳридаги 4-сон маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

**Тожиматова Ходяхон Турсиновна** — Жалолқудуқ туманидаги "Бештол" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси

### «Меҳнат шухрати» ордени билан

**Абдуллаева Феруза Ғанижановна** — Қўрғонтепа тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси

**Абдураҳмонова Роила** — Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасининг Андижон вилояти, Пахтаобод тумани бўлинмаси раиси

**Нуралиев Баҳромжон Гуломжонович** — Жалолқудуқ тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси

**Тўйчиева Матлубахон Камолдиновна** — Бўз тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси

**Эргашев Авазхон Якубжонович** — Қўрғонтепа тумани ҳокими

**Юсупов Машариф** — Андижон вилоят ҳокимлигининг ахборот-таҳлил гуруҳи бош мутахассиси

### «Дўстлик» ордени билан

**Вахобжонова Ойдин Вахобовна** — Республика Маънавият тарғибот марказининг Андижон вилояти бўлими масъул котиби

**Кимсанова Замирахон** — Пахтаобод тумани "Давр садоси" газетаси бош муҳаррири

**Қурбонова Аропатхон Тошпўлатовна** — Марҳамат туманидаги Т.Мирзаев номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

**Раҳматова Фируза Ҳасанбоевна** — Асака шаҳридаги "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси

**Сиддиқова Фотима Абдумуталибовна** — Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қўрғонтепа тумани кенгаши раиси

**Ҳусанова Мунисхон Акбаралиевна** — Жалолқудуқ тумани ҳокимлиги оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича бош мутахассиси

**Шаропов Анвар Қурбонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эргашева Муяссар Тиллаковна** — Қўрғонтепа туманидаги "Қўштепа" қишлоқ врачлик пункти мудири

**Якубова Нигора Камалдиновна** — Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси

### «Жасорат» медали билан

**Ботиров Иқболжон Қобилжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Жалилова Маъмура Абдурасуловна** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси катта тезкор вакили

**Насирдинов Талят Пўлатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Пирмуҳамедов Жаҳонгир Рихсибоевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Расулов Қобулжон Толибович** — Пахтаобод тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Талипов Баҳодир Абдурасулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Умирзақов Хуршидбек Ҳамидович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эралиев Бобиржон Толибжонович** — Андижон вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармасининг авария-қутқарув отряди ҳайдовчи-қутқарувчиси

**Йўлдошев Ҳусанбой Қосимович** — Жалолқудуқ туманидаги "Қашқар" маҳалла фуқаролар йиғини посбонлари сардори

### «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Кетмонов Иқболиддин Ҳомиджонович** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси ахборот-таҳлил гуруҳи катта терговчиси

**Мамадалиева Муқаддасхон Тожиддиновна** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси катта инспектори

**Маткаримова Гулбаҳор Собиржоновна** — Шаҳрихон тумани ички ишлар бўлими 4-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми кичик инспектори

**Назаров Аҳмаджон Насирдинович** — Андижон вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси авария-қутқарув отряди қутқарувчиси

**Ташматов Баҳодир Абдурашитович** — Жалолқудуқ туманидаги "Ёрқишлоқ" маҳалла фуқаролар йиғини чегара посбонлари сардори

**Тошматова Иқболхон Абдуллаевна** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси тезкор вакили

**Фаттаев Жаъфар Раҳманович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ҳаитмуратов Олимбек Тошпўлатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ҳайдаров Акмалжон Одилович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ҳайдаров Ҳусан Нишонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Шоодилов Фарҳод Шорустамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

### «Шухрат» медали билан

**Абдуллаев Фароҳиддин Абдуваҳобович** — Қорасув шаҳар марказий поликлиникасининг умумий амалиёт шифокори

**Абдураҳмонов Шухратбек Қўшоқбоевич** — Пахтаобод тумани ҳокими

**Аманова Зулхумор Алижоновна** — Қорасув шаҳридаги "Пахтачи" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

**Бегимкулова Маҳабатхон** — Асака туманидаги "Маркаюз" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

**Болтабоева Илтифотхон Ибрагимовна** — Андижон шаҳридаги "Исломобод" маҳалла фуқаролар йиғини фаоли

**Гафарова Қундузхон Гафаровна** — Хўжаобод туманидаги "Олтин водий" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси

**Жумабаев Акмалжон Адилович** — Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Андижон вилояти бўлими кенгаши "Камалак" болалар ташкилоти раиси

**Ибрагимова Одина Йўлдошбаевна** — Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасининг Андижон вилояти бўлими бош мутахассиси

**Мадраҳимова Ёқут Холмирзаевна** — Асака шаҳридаги "Шодлик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси

**Мамажонов Мансурбек Аҳмедович** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Андижон филиали тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси

**Нуритдинова Гулнора Насретдиновна** — "Андижонтелеком" акциядорлик жамиятининг Куйганёр филиали директори

**Усмонохунова Розихон Юсуповна** — Қўрғонтепа тумани халқ таълими бўлими мудири

**Ҳайдарова Шоҳидахон Ибрагимовна** — Шаҳрихон туманидаги "Қушқўноқ" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

**Холбоева Ҳафизахон Маҳамаджоновна** — Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Пахтаобод тумани кенгаши раиси

**Йўлдошева Замира Арабовна** — Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасининг Олтинкўл тумани бўлими раиси

**Юсупов Нодирбек Комилович** — Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Андижон шаҳар кенгаши раиси

**Қодирова Нурхон Мамарайимовна** — Марҳамат туманидаги "Бўрибоши" қишлоқ врачлик пунктининг катта ҳамшираси

**Қурбонов Элмурод Рустамович** — Андижон шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2010 йил 5 июль*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ




**«Ҳунарли хор бўлмас», деган нақл бугунги кунда ҳам нечоғлик ўз ифодасини топаётганининг гувоҳимиз. Бу борада юртимиз келажаги - ёшлар учун яратилаётган шарт-шароитлар, айниқса эътиборга лойиқдир.**




Битирувчи-2010

## ПАРВОЗИНГИЗ БАЛАНД БЎЛСИН, ЁШЛАР

Ўғил-қизларимиз узлуксиз таълим жараёнининг муҳим босқичи - касб-ҳунар коллежларида билим олиш қаторида аниқ мутахассисликнинг сир-асрорларини ҳам ўзлаштираётир.

Тошкент радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежида турли йўналишдаги техникани бошқариш, таъмирлашга қизиқиши бўлган ёшлар таҳсил олмоқда. Ҳар йили мазкур ўқув масканини юзлаб фарзандларимиз ўз соҳасида етук мутахассисликка эга бўлиб тугалламоқда.

Куни кеча коллежнинг навбатдаги битирувчиларига дипломлар топшириш маросими ўтказилди. Тадбирда ўқитувчилар ва ота-оналар қатнашди. Сўзга чиққанлар ёшларга келажакда олий ўқув юртларида таълим олиб, билим ва малакасини янада оширишларини, Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшадиган комил инсон бўлиб етишишларини тилашди.

— Бу йил умумий маълумотли ҳамда камида иккита мутахассисликка эга бўлган 636 нафар ўқувчимизни учирма қилмоқдамиз, — деди коллеж директори Абдурасул Зокиров. — 35 нафари имтиёзли диплом олишга муваффақ бўлди. Шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, аввалги битирувчиларимиздан кўпчилиги ҳозирда республикамизда фаолият юритаётган хорижий олий ўқув юртлари филиалларида ўқишни давом эттирмоқда. Албатта, бундай ўқувчиларимиз билан фахрланамиз.

— Коллежни имтиёзли диплом билан тугатдим, — дейди Абдужалил Абдувоҳидов. — Устозларимиздан кўп сабоқ олдим, ҳунар сирларини ўргандим. Ҳозирги ахборот технологиялари асрида техникани яхши ўзлаштириш ҳар бир ёш учун зарур, деб ўйлайман. Келгусида олий ўқув юртига ўқишга кириб, юқори малакали мутахассис бўлиб етишишни мақсад қилганман.

Орзулар қанотида яхши ният ва мақсадларни дилига жо айлаб, парвозга шайланган Абдужалил сингари ёшларимизга биз ҳам оқ йўл тилаб, юксак чўққиларни забт этинг, деб қоламиз.

**Дилором ИКРОМОВА**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

## НАРКОТИКЛАР ИСТЕЪМОЛИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

**Тошкентда Марказий Осиёда наркотиклар тарқалишининг олдини олиш бўйича Европа иттифоқи томонидан молиялаштириладиган «КАДАП» дастурининг янги босқичи бошланди.**

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистондан наркоманияни назорат қилиш, унинг олдини олиш ва даволаш бўйича давлат органлари вакиллари, Европа иттифоқи делегацияси, Германия Федератив Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги вакили, шунингдек, Европа консорциумининг "КАДАП" дастурини амалга ошириш учун масъул иштирокчилари дастурнинг янги уч йиллик босқичини расман эълон қилдилар.

Дастур наркотикларни истеъмол қилишни, наркотиклар билан боғлиқ зарарни (масалан, ОИВ-инфекциясини), миллий соғлиқни сақлаш тизимлари сарф-харажатларини камайтиришга қаратилган.

*(Давоми 3-бетда).*

## XXI аср садоси

*БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат мажлисида «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш юзасидан адлия органларига юклатилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилган ишлар муҳокама қилиниб, истиқболдаги режалар юзасидан кўрсатмалар берилди.**

**• Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Глобал экологик фонд билан ҳамкорликда атроф-муҳит муҳофазасига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.**

**• Жиззах вилоятида замонавий лойиҳалар асосида 325 та уй-жой қурилиши режалаштирилган. Қишлоқлардаги 12 та даҳада бунёд этиладиган бундай уйлар учун 22 миллиард сўм маблағ сарфланади. Яқинда эса Юртбошимизнинг 2009 йил 3 августдаги қарори ижроси юзасидан Бахмал, Ғаллаорол туманларида қуриб битказилган 60 та уйда ҳовли тўйлари бўлиб ўтди.**

**• Тошкентда хотин-қизларни бичиш-тикишга ўргатиш бўйича янги ўқув марказининг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Ушбу марказ «Банд бўлмаган аёлларни бичиш-тикишга ўргатиш» лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси кўмагида «Bernina-tikuvmash» очиқ акциядорлик жамияти томонидан Германия техник ҳамкорлик жамияти ва Швейцариянинг «Bernina international AG» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.**

**• Мамлакатимизда ёш оилалар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилаётган «Энг намунали ёш оила» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган 15 та ёш оила бешта шарт асосида ўзаро беллашди.**

**• Жиззахдаги «Матлуба» гимнастика саройи вилоятдаги болалар боғчалари тарбияланувчиларидан иборат гимнастикачилар билан гавжум бўлди. Бу ерда вилоят бадиий гимнастика федерацияси ташаббуси билан 1996-2005 йилларда туғилган қизлар мусобақаси ўтказилди.**

**• Навоий техника иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида «Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Қизғин ва мароқли ўтган баҳслар натижасига кўра олий ўрин Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицейга берилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Ғарбий Европада жазирама иссиқ катта муаммоларни келтириб чиқармоқда. Италияда ҳароратнинг 40 даражадан ошиб кетиши натижасида хавфлиликнинг юқори даражаси эълон қилинди. Испанияда ҳам ҳаво ҳарорати шу даражага етган.**

**• Кеча Руминиянинг Тузла шаҳридаги аэропортдан машқ парвозига отланган АН-2 русумли енгил ҳарбий самолётнинг ҳавода портлаши натижасида 11 киши ҳаётдан кўз юмди, уч киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.**

**• Хитой марказида бахтсиз ҳодиса содир бўлди. Уси шаҳрида маҳаллий металлургия компанияларидан бирига тегишли автобуснинг ёниб кетиши оқибатида 24 киши ҳаётдан кўз юмган, 19 нафари тан жароҳати олган. Ҳозирча фалокат сабаблари маълум эмас.**

**• Испанияда мамлакат ҳудудига олиб кирилаётган катта миқдордаги гиёванд моддалар ушлаб қолинди. Яъни ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари 2,5 тонна кокаин олиб кетаётган кемани Тенерифи дарёси қирғоғида қўлга олганлар.**

**• Ангола пойтахти Луанда хориждан келувчилар учун дунёдаги энг қиммат шаҳар сифатида эътироф этилди. Жаҳоннинг 214 та шаҳрида олиб борилган кузатишлар натижасида шундай хулосага келинди. Дастлабки бешликдан шунингдек, Токио (Япония), Нджамена (Чад), Москва (Россия) ва Женева (Швейцария) шаҳарлари ўрин олган.**

**• Гарвард тиббиёт мактаби тадқиқотчилари сунъий жигар яратишга муваффақ бўлишди. Айтиш жоизки, Коркут Юйган бошчилик қилган мазкур тадқиқотлар каламушда синаб кўрилган ва ижобий натижа қайд этилган. Янги ихтиро жаҳон тиббиётида катта янгилик сифатида эътироф этилган.**

# ТАДБИРКОР

Ўзбекистонда тайёрланган

## ЭЗГУ НИЯТГА ЯРАША МЕҲНАТ

**Бозор ва дўконларимизни тўлдириб, харидор эътиборини қозонаётган, сифати, дизайни билан истеъмолчи талабини қондираётган табиий трикотаж маҳсулотларининг ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани юртимизда тўқимачилик соҳаси ривожланиб бораётганидан далолатдир.**

«Spring Tekstil» масъулияти чекланган жамиятида айни пайтда 100 дан ортиқ моделдаги трикотаж маҳсулотлари тайёрланаётганлиги фикримизни яққол исботлайди.

— Бозор иқтисодиёти шароитида харидорнинг дид ва талаби кундан кунга ортиб бормоқда, — дейди корхона маркетинг бўлими бошлиғи Дилфуза Ўринбоева. — Шунга яраша маҳсулот тайёрланса, бозорда ўз ўрнига эга бўлади. Бизда маркетинг ишлари яхши йўлга қўйилган. Ички ва ташқи бозорни доимий ўрганиб борамиз. Натижаси дизайнерларимиз маҳорати билан яратилган янги-янги либосларда аксини топади. Изланишларимиз самараси ўлароқ буюртмалар кўпайиб, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам юқорилаб бормоқда. Айниқса, аёллар ва болалар учун тикилаётган кийим-кечаклар харидорларни мамнун этмоқда.

Корхонада ўзимизда пахтани қайта ишлаш асносида йигирилган ип ва тўқилган матолардан фойдаланилгани боис ҳам импорт ўрнини босувчи, экспортбоп тайёр кийим-кечаклар таннархи бирмунча арзонлиги билан ажралиб туради. Бу борада фирма дўконида харидорларга таклиф этилаётган қулайликлар кўлами янада кенг.

Яқин орада маҳсулотнинг 80 фоизини Россия, Туркия, Германия давлатларига экспорт қилиниши кўзда тутилган бўлиб, саъй-ҳаракатларнинг барчаси ана шу эзгу ният йўлида олиб борилмоқда.

Интилганга толе ёр

## «МОҲИР ҚЎЛЛАР» МАҲОРАТИ

**Бу корхона бежиз «Моҳир қўллар» деб ном олмаган. Ушбу жамоада чиндан ҳам ўз ишининг усталари, маҳоратли чеварлар меҳнат қилмоқдаки, улар ҳар қандай буюртмани талабга яраша уддалашга эришаётир.**

Корхона раҳбари Маҳбура Қодирова билан суҳбатлашар экансиз, унинг тадбиркор ва ташаббускорлигига, ўз мақсадига эришиш йўлида имкониятлардан оқилона фойдалана олишига амин бўласиз. Режалари ҳақида гапирганда, нияти йўлида собитқадам эканлигини англайсиз.

Маҳбура Қодpraванинг тадбиркорлик соҳасида ўн йиллик тажрибаси бор. Кўплаб кўрик-танлов, кўргазма ва нуфузли тадбирлар иштирокчиси, хорижий давлатларда бўлиб, ишбилармон аёллар билан тажриба алмашишга ҳаракат қилади. Ана шу саъй-ҳаракатлар самараси ишлаб чиқариш ривожида, янги лойиҳалар устида изланишлар олиб боришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Президентимиз ва ҳукуматимиз биз, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш баробарида катта ишонч ҳам билдирмоқда, — дейди Маҳбура Қодирова. — Жорий йилда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 52,5 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда. Бу, албатта, соҳа вакилларини янада ғайрат кўрсатишга, замонавий техника ва технологиялардан самарали фойдаланиб, рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни кўпайтиришга ундайди. Бизнинг ҳам бу борада ўз мақсадларимиз бор.

Корхонада янги йўналишлар очиб, маҳсулот турларини кўпайтириш белгилаб қўйилган. Шунингдек, касаначи иш ўринлари кўпайтирилиб, хотин-қизларнинг уй шароитида ишлаши учун етарли шароитлар ҳам яратилади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, айни пайтда корхонада 40 нафар касаначи меҳнат қилиб, буюртмаларни тез ва соз бажарилишига муҳим ҳисса қўшмоқда.

Корхонанинг асосий фаолиятини давлат байроқлари тайёрлаш ташкил этади. Бу борада «Моҳир қўллар» лицензияга эга бўлиб, асосан сифатли хом ашёдан фойдаланилади. Ўз ишига масъулиятли чеварлар томонидан 240 дан зиёд давлат байроқлари тайёрланади.

Умуман олганда илк фаолиятини канцелярия ашёлари ишлаб чиқаришдан бошлаган М.Қодирова тажриба орттириш эвазига тикув цехини ҳам ташкил этди. Албатта, бу ерда ўрнатилган замонавий тикув машиналари қуввати билан трикотаж кийим-кечаклар, кўрпа ва ёстиқ жилдлари тикилиши йўлга қўйилди. Буюртмалар йил сайин кўпайиб бориши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортди, ишчи ўринлари яратилди. Андижон ва Фарғона шаҳарларида очилган корхона филиалларида ҳам иш қизғин.

Яна бир ибратли ишга қўл урилганини айтиш керакки, корхона қошида ўқув маркази ташкил этилиб, малакали кадрлар тайёрланмоқда. Улар шу ернинг ўзида иш билан таъминланиб, корхона ютуғига муҳим ҳисса қўшиб боради.



СУРАТДА: «Моҳир қўллар» корхонаси директори Маҳбура Қодирова ва тикувчи Муҳаббат Йўлдошева.

Бозор ва харидор

## МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

**Маҳсулот сифатини таъминлашда, иш суръатини ошириб, самарадорликка эришишда корхона ишчи-хизматчилари учун яратилган қулай шароитлар, моддий манфаатдорлик муҳим аҳамият касб этади.**

— 2005 йилда беш киши билан иш бошлаган бўлсак, ҳозирда корхонада 26 нафар ишчи меҳнат қилмоқда, — дейди «Original Grand Plast» масъулияти чекланган жамияти директори Ҳайитбой Тожибоев. — Албатта, меҳнат унумдорлигини таъминлашда уларнинг кайфияти, яратилган шарт-шароитлар асосий омиллардан саналади. Мутахассисларимиз замонавий ускуналардан омилкорлик билан фойдаланади. Уларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланган. Жорий йилда янги ошхона очишни режалаштирганмиз. Ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, даромадимиз ортса, моддий манфаатдорлик ҳам шунга яраша бўлишини жамоамиз яхши билади. Шу боис ҳам биринчи навбатда сифатга эътибор қаратамиз. Сифатли маҳсулотнинг бозори ҳар доим чаққон бўлади.

Лизинг асосида келтирилган замонавий дастгоҳ-ускуналарда полиэтилен матосидан 20 дан зиёд турдаги қоп ва пакетлар ишлаб чиқарилиб, буюртма асосида республикамиз бўйлаб тегишли манзилларга етказилади. Буюртмалар салмоғи ортиб бораётганини шундан ҳам сезиш мумкинки, ўтган беш йилда ишлаб чиқариш ҳажми беш-олти баробарга ортган.

Жамоа аҳил бўлса, муваффақиятлар ҳам баракали бўлади. Бу борада айниқса механик Абдусамат Аҳроров, оператор Алишер Обидов, цех бошлиқлари Абдухалил Қаюмов ва Суннат Абдуллаевлар корхона ютуқларига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилгига нисбатан 1,5 бараварга ошириш мақсад қилинган.

## ҲАКАМЛИК БИТИМИ АФЗАЛЛИКЛАРИ

**Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан бошлаб фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, тадбиркорлик субъектлари ривожланишининг ҳуқуқий тизимини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Суд-ҳуқуқ тизимининг ислоҳ қилиниши бунинг яққол исботидир.**

Бу соҳадаги ижобий ўзгаришлар, жумладан суд ҳокимиятининг тубдан такомиллаштирилиши, унинг халқаро стандартларга мос келадиган одил судлов институтига айлантирилиши ҳуқуқий ҳимоянинг мустаҳкамлиги далилидир. Шу нуқтаи назардан «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонуннинг мақсади мамлакатимизда бу йўналишдаги судларнинг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан ҳам иборат.

Мазкур қонунга кўра ҳакамлик судининг ўзига хослиги шундаки, у низоларни фақатгина ихтиёрий тарзда кўриб чиқади. Айнан мана шу сабабли низони ҳакамлик судининг ҳал қилувига топшириш фақат ўрталаридан низо келиб чиққан (ёки келиб чиқиши мумкин бўлган) шахслар келишувига кўра амалга оширилиши мумкин.

Низони ҳакамлик судига топшириш ҳақидаги келишув қонунда «ҳакамлик битими» деб аталади.

Ҳакамлик битими ёзма шаклда тузилади. Ҳакамлик битими шартнома шарти ёки алоҳида битим тарзида расмийлаштирилиши мумкин. Агар у ҳакамлик битими тарафлари томонидан имзоланган ҳужжатда ифодаланган бўлса ёки бундай битимни қайд этишни таъминловчи электрон ёҳуд бошқа алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда хатлар ёки хабарлар алмашиш йўли билан тузилган бўлса, ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

Ҳакамлик битимида битим тарафлари ўртасида келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган барча ёхуд айрим низолар судда кўриб чиқилиши кераклиги ҳақидаги қоида, шунингдек, агар низо доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳал қилувига топшириладиган бўлса, мазкур ҳакамлик судининг номи кўрсатилиши лозим.

Қонуннинг бевосита кўрсатмасига асосан ҳар қандай муносабатдан эмас, балки фақат фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низо битим воситаси бўлиши мумкин. Мазкур меъёр императив хусусиятига эга ва шунинг учун ундан четга чиқишга йўл қўйилмайди. Агар маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низо тарафлари низони ҳакамлик судида муҳокама этишга шартлашган бўлса, бундай битим қонуннинг императив қоидасига кўра, ҳақиқий ҳисобланмаган бўлар эди.

Ҳакамлик битими нафақат шартномавий, балки шартномавий бўлмаган муносабатлардан ҳам келиб чиққан низоларни ҳал қилишни кўзда тутади. Бундай ҳолда ҳар бир зарар етказишдан келиб чиқадиган муносабатлар (ёки бошқа шартномадан ташқари) мажбурияти учун алоҳида битим одатда мазкур мажбурият юзага келгандан сўнг тузилади.

Шунингдек, битимда судьяларнинг сони, ҳакамлик муҳокамаси ўтказиладиган жой ва тил, муҳокама қоидалари, низони кўриб чиқиш муддати ҳақидаги маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

**Илёсиддин ХАЙДАРОВ,**
**Шайхонтоҳур тумани ҳакамлик суди раиси**

Хусусий бизнес

## ҚУЛАЙ ВА ФОЙДАЛИ

**Мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик масаласини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни муҳим бўлиб, шу боис мазкур соҳани ривожлантириш, рағбатлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган.**

— Биз ана шу эътибордан руҳланган ҳолда олдимиздаги мақсад ва вазифаларимизни адо этаяпмиз, — дейди тадбиркор Руҳилла Сайфуллаев. — Отам кўнчи ўтган. Шу соҳадан бирмунча хабарим бўлгани боис ҳам тадбиркорликка қўл урдим ва 15 йилдан буён қўй жунидан кўрпа, ёстиқ ҳамда инсон саломатлиги учун фойдали бўлган белбоғлар тайёрлаб келаяпман. Шаҳримиз бозор ва дўконларида маҳсулотларимиз ниҳоятда харидоргир. Ҳозирда вилоятлардан ҳам буюртмалар тушмоқда. Энг муҳими рўзғорда кенг тарқалган бундай маҳсулотларга, хусусан, биз ўн йиллик кафолат берамиз.

Ишлаб чиқариш жараёнида Польшанинг ювадиган, Россиянинг жун титадиган, Англиянинг қавийдиган дастгоҳларидан унумли фойдаланилади. Шу боис ҳам кўрпа ва ёстиқлар Хитойнинг худди шундай маҳсулотларидан сифати билан афзалдир. Буни кўпчилик харидорлар ҳам эътироф этади.

Руҳилла Сайфуллаев ўз оилавий бизнесини ташкил этиш баробарида шогирдлар тайёрлашга ҳам эътибор қаратган. Улар ёрдамида ҳозирда у туя жунидан қайта ишланган экологик тоза белбоғлар тайёрлаш билан машғул бўлмоқда. Сертификатланган ушбу маҳсулот ҳам қулай, ҳам фойдалидир. Тадбиркор келгусида имкониятларини янада кенгайтириб, маҳсулотларини россиялик харидорларга етказиб беришни режалаштирган.

**Саҳифа Шарифа ИЛЁСОВА томонидан тайёрланди**

Иқтисодиёт

## ЯНГИ ЦЕХ ИШГА ТУШАДИ

**Аҳоли дастурхонини дармондориларга бой озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда тадбиркорлик субъектларининг ҳиссаси катта.**

«Tegen sous fud» масъулияти чекланган жамияти ҳам кичик корхоналар сирасидан бўлиб, бу ерда беш нафар малакали мутахассиснинг меҳнати билан илғор технологияларни қўллаш асносида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар харидорларга ҳар томонлама манзур бўлмоқда.

Асосан маҳаллий хом ашёлардан фойдаланган ҳолда корхонада тўрт турдаги кетчуп ва майонез, шунингдек горчица бежирим идишларга қадоқланган ҳолда тайёрланади.

Корхона маҳсулотлари «Tegen» компаниясининг республикамизда фаолияти йўлга қўйилган фирма дўконлари орқали истеъмолчиларга етказилади. Сифатига алоҳида эътибор қаратилаётгани боис, талабга мос қадоқланиши ҳамда фойдаланишда қулайлиги билан бу маҳсулотлар импорт ўрнини бемалол босмоқда, дейиш мумкин.

Ҳозирда кичик корхонани кенгайтириб, консерва ишлаб чиқариш цехини очишга тараддуд кўрилмоқда. Демак, яқин орада ишлаб чиқариш ҳажми янада ортиб, қўшимча иш ўринлари ҳам яратишга муваффақ бўлинади.

## ЎЗ ЖОЗИБАСИГА ЭГА

**Уста ҳунармандларимиз сафи йил сайин ортиб бормоқдаки, ота-боболаримиз меросини авайлаш баробарида уларни ижодий ривожлантириб бетакрор санъат асарлари яратилмоқда.**

Миниатюра устаси Камолиддин Абдуллаев ҳам ана шундай ҳунари гўзаллар сифатида нафақат республикамизда, балки хорижда ҳам эътибор қозонмоқда.

Илк сабоқларни бугунги Республика рассомчилик коллежида олган Камолиддин ўқишдан, ўрганишдан асло чарчамади. Бу борада унга устозлари йўл-йўриқ кўрсатди.

Камолиддин яратган турли маҳсулотлар — эсдалик совғалари, деворга осадиган портретларда миллий қадриятларимиз эъзози, шарқона урф-одатларимиз яққол кўзга ташланади.

Ёш уста изланишдан бир зум бўлса-да, чарчамайди. Шунинг баробарида маҳсулотларини кўплаб кўрик-танловлар, халқаро тадбирларда намойиш этиб, эътирофга сазовор бўлмоқда.

Айни пайтда Камолиддиннинг ўнлаб шогирдлари бор. Унинг шогирдларидан Нодир Баҳодиров, Жамолиддин Абдуллаев, Дилмурод Қорабоевлар устози билан тенглашишга ҳаракат қилиб, миллий ҳунармандчилик ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Камолиддин Абдуллаев айни пайтда изланишларни давом эттиряпти. У тош қоғоздан фойдаланиб, лок-миниатюра буюмлари тайёрлаш устида ишламоқда. Нияти — такрорланмас маҳсулотларини хорижий давлатларда намойиш этиб, юртимиз ҳунармандчилиги довруғини янада кенг таратишдир.

## ЛОК-БЎЁҚ МАҲСУЛОТЛАРИ

**Бунёдкорлик кўлами йилдан йилга ошиб бораётган мустақил юртимизда импорт ўрнини босувчи қурилиш ашёларига талаб ҳам шунга яраша бўлмоқда.**

Эътиборлиси, бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик ривожига кенг имкониятлар мавжудлиги рақобатбардош маҳсулотларнинг ўзимизда ишлаб чиқариш имконини бермоқда. Бунёдкорлик материаллари ҳам шулар сирасига киради.

Лок-бўёқ маҳсулотларини харидорларга манзур этаётган «Resalit Kolor» масъулияти чекланган жамиятининг фаолият бошлаганига кўп бўлмасада, буюртмачилари сафи ортиб бораётганлиги ҳақиқий изланишлар самарасидир.

Корхонада қад ростлаётган иншоотлар чиройи ва кўркамлигига муносиб ҳисса қўшишга аҳд қилинган бўлиб, бугунги кунда ана шу ниятга яраша меҳнат қилинмоқда. Ўтган йилда кўплаб қурилиш компаниялари ва фирмалар буюртмасига кўра 1,4 миллиард сўмлик лок-бўёқ маҳсулотлари тайёрланди.

Жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмини бир неча баробарга ошириш режалаштирилган бўлиб, айни пайтда корхона томонидан республикамиз қишлоқ ҳудудларида барпо этилаётган замонавий турар жой бинолари учун маҳсулотлар етказиб берилмоқда.

**Шарофат БАҲРОМОВА**






**Пойтахтимизда Ўзбекистон Бадиий академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамкорлигида «Ўзбекистон фотографияси тараққиёти ва истиқболи» мавзусида ижодий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

Анжуманлар

# ЎЗБЕКИСТОН ФОТОГРАФИЯСИ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИСТИҚБОЛИ

Анжуманда таниқли санъатшунослар, мусаввирлар, фотосуратчилар, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Қўзиев истиқлол йилларида айниқса, ёшлар дунёқарашини шакллантириш, уларни она Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғоясига садоқат, азалий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш жараёнида санъатнинг барча йўналишлари, шу жумладан фотография соҳасини изчил ривожланишига алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлади.

Конференцияда ўлкашунос олим Б.Голендер, фотосурат усталари Р.Шарипов, В.Жирнов, А.Арслоновлар фотосурат асарларининг композицияси, асосий жанрлари, замонавий воситалари хусусида фикр-мулоҳазалари билан алмашишди. Эътироф этилганидек, мустақиллик йилларида ўзбек фотография санъати том маънода янгидан шаклланди, фотоижодкорлар юртимизда кечаётган барча жараёнларнинг фаол иштирокчиларига айланди. Қатор халқаро кўрик-танловларда қўлга киритилаётган совринлар, мамлакатимизда халқаро фотобиенналелар ўтказиш анъанасининг йўлга қўйилганлиги, Тошкент Фотосуратлар уйи ва унинг бўлимлари ташкил этилганлиги, Бадиий ижодкорлар уюшмаси қошида фотошўъба иш олиб бораётганлиги фотография соҳасини ривожлантиришга қаратилаётган эътиборнинг тасдиғидир.

Айтиш жоизки, юртимизда қад ростлаётган муҳташам галереялар, кўргазма заллари, музейлар соҳада изланаётган ижодкорлар фаолиятини тарғиб ва ташвиқ этиш, қўлга киритилган ютуқлар билан кенг жамоатчиликни таништириш, ёшларни фотографиянинг юксак намуналаридан баҳраманд этиш имконини бераётир.

Конференцияда фотосуратчиларнинг юртимиз ижтимоий ҳаётидаги фаоллиги ва масъулиятини янада ошириш, ўз асарларида воқеликни холисона акс эттириш, оммавий ахборот воситалари билан ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, фотосанъати ривожига оид махсус нашрлар ташкил этиш долзарб аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Анжуман доирасида ўзбек фоторассомларининг мустақиллигимиз мазмун-моҳияти, қадимий шаҳарларимиз, умрбоқий қадриятларимиз, ёшлар ҳаёти акс эттирилган суратлари намойиш этилди.

**Гулором ҲАМИДОВА**
**Козим Ўлмасов олган суратлар**

2010 йил — Баркамол авлод йили

# «УСТОЗ-ШОГИРД» ЛОЙИҲАСИ АСОСИДА

**110-мактабда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва «Истеъдод» жамғармаси ҳамкорлигидаги «Устоз-шогирд» лойиҳаси асосида малака оширган мактаб ўқитувчиларига сертификатлар топширилди.**

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирга таълим тизими раҳбарлари, ўқитувчилар, услубчилар таклиф этилди.

Ўзбекистон халқ таълими вазири А.Мараҳимов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодга чуқур билим ва мукаммал тарбия бериш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш масаласи давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирини ташкил этишини таъкидлади. Юртимизда таълим соҳасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар барча билим масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълимни сифат ва мазмун жиҳатдан янги, янада юқори поғонага олиб чиқиш имконини бермоқда.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида педагог кадрларнинг касб малака ва маҳоратини замон талаби даражасида муттасил ошириб бориш, уларнинг билим ва кўникмаларини бойитиш муҳим йўналишлардан бири этиб белгиланган. Халқ таълими вазирлиги ва «Истеъдод» жамғармаси ҳамкорликдаги «Устоз-шогирд» лойиҳасининг дастлабки босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги умумий ўрта таълим мактабларининг 230 нафар педагог ходими малака ошириш курсларини тамомлади.

– Биз икки ҳафта давомида ўқувчи-ёшларга муайян фанлар бўйича билим ва тарбия беришнинг энг таъсирчан ва самарали усулларини ўргандик, – дейди Нукус шаҳридаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси Олтиной Ўрозимбетова. – Ўтказилган машғулотларда билимимиз мустаҳкамланди. Ўқитувчилар учун ташкил этилган бундай семинарлар ишга ижодий ёндашувда, дарсни янада қизиқарли ва мазмунли ташкил этишда, ўқувчини фанларга қизиқтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир якунида малака ошириш курсларини тамомлаган педагогларга сертификатлар топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# НАРКОТИКЛАР ИСТЕЪМОЛИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

***(Давоми. Боши 1-бетда).***

"КАДАП" уч таркибий қисм – ДАМОС – мамлакатда наркотиклар билан боғлиқ вазият ҳақида хабардорликни ошириш, ТРИТ – наркоманияни даволашнинг замонавий тизимларини жорий этишни қўллаб-қувватлаш ва МЕДИССА – наркотиклар истеъмолининг олдини олиш, хабардорликни ва даволаниш имкониятларини оширишдан иборат. "КАДАП"нинг асосий мақсади наркотикларга қарши курашда Европа иттифоқи ва бошқа халқаро тузилмаларнинг самарали фаолиятини жадаллаштириш, Марказий Осиёнинг бешта мамлакатида наркотиклар билан боғлиқ муаммоларни камайтиришга ҳисса қўшишдан иборатдир. Дастур Германиянинг Техник ҳамкорлик жамияти бошқарадиган Чехия Республикаси, Германия ва Польша муассасаларининг Европа консорциуми томонидан амалга оширилади.

"КАДАП" дастури раҳбари Инго Илья Михельс дастурнинг янги, бешинчи босқичи 2010-2013 йилларга мўлжалланган бўлиб, асосан аҳоли соғлиғини сақлаш муаммоларини ҳал этишга йўналтирилишини таъкидлади. Шу сабабли наркотикларни истеъмол қилишнинг олдини олиш ва наркоманияни даволаш соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ёрдам кўрсатиш, шунингдек, наркотиклар, хусусан, героин савдосининг тобора ўсиб бораётган хавфига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Марказий Осиё мамлакатлари наркотикларни суиистеъмол қилиш, наркомания иллатига мубтало бўлганлар сонининг ортиб бораётгани, наркоманлар орасида юқумли касалликлар, жумладан ОИВ ва гепатит хасталиги тарқалиши хавфи билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқда. Бу борада Европа иттифоқи ва унга аъзо давлатларнинг наркотикларга эҳтиёжни камайтириш, мониторинг ва реабилитация қилиш соҳасидаги тажрибаси фойдалидир.

"КАДАП" дастури ҳамкорлари дастурнинг аввалги босқичларида эришилган келишувлар ва натижалар асосида наркотикларга эҳтиёжни камайтириш соҳасида ҳамкорликни давом эттириш ниятида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказининг халқаро бўлими бошлиғи А.Эркабоев Ўзбекистонда "КАДАП" дастурининг аввалги тўрт босқичи муваффақиятли амалга оширилгани, ваколатли вазирлик ва идоралар ўз саъй-ҳаракатларини наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича мақсадли комплекс чора-тадбирларга, гиёҳвандлик иллати тарқалишининг олдини олишга, идоралараро ҳамкорлик ва халқаро алоқаларни ривожлантиришга қаратаётганини таъкидлади. Наркотикларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кенг кўламли профилактика ишлари йўлга қўйилган.

Бу борада тиббий-ижтимоий реабилитация бўлимлари фаолияти ташкил қилиниб, "Ишонч телефон"лари орқали кеча-кундуз маслаҳатлар бериб борилмоқда. Барча жойларда плакат, рисола ва қўлланмалар тарқатилмоқда. "МЕДИССА" лойиҳаси доирасида наркодиспансерлар кутубхона фонди қиймати 6 миллион сўмлик махсус адабиётлар билан тўлдирилди. Наркология хизмати мутахассислари оммавий ахборот воситалари орқали гиёҳвандлик ва наркотиклар билан боғлиқ жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича чиқишлар қилмоқда, маърузалар ўқимоқда, семинарлар ўтказмоқда. Психоактив моддаларни нотиббий мақсадда истеъмол қиладиган, диспансер ва профилактика ҳисобида турадиган шахслар сони сезиларли даражада камайди.

Бу борада халқаро ҳамкорлик фаоллашмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) ҳамда Европа иттифоқининг халқаро лойиҳаларини мувофиқлаштириш, мониторинг қилиш ва амалга оширишга доир ишлар таъминланмоқда. Хусусан, КАДАП-4 дастури лойиҳалари доирасида махсус бўлинмалар ташкил қилинди, назорат-ўтиш постлари махсус аппаратура ва техника воситалари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Суд-тиббиёт экспертизалари бош бюроси замонавий, ўта аниқ ишлайдиган диагностика ускуналари билан жиҳозланди.

Тадбирда наркотиклар бўйича ахборот тизимлари, наркоманияни даволаш тизимлари, профилактика ва ахборот миллий стратегиялар учун наркотиклар тарқалишининг олдини олиш борасида муҳим омилга айланиши зарурлиги қайд этилди.

Ахборот тармоғи маълумотлар оқимининг узлуксиз, самарали ва барқарор тизимини яратиш, наркотиклар билан боғлиқ вазиятни ҳар томонлама таҳлил қилишни кўзда тутади. Ахборот ресурслари тармоғи наркоманиянинг олдини олиш, даволаш ва тартибга солиш соҳасига жалб қилинган давлат органлари (масалан, шифохоналар, мактаблар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари) ҳамда наркотиклар муаммоси билан шуғулланадиган нодавлат ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилиши даркор. Миллий ҳукуматлар турли ахборот манбаларининг мавжуд махсус марказларда қайта ишланадиган ахборотидан бевосита фойдаланувчилар ҳисобланади. Ҳукуматлар ушбу ахборотдан мазкур соҳада стратегияларни ишлаб чиқиш, шунингдек, ресурсларни самарали тақсимлаш босқичларини баҳолаш учун фойдаланиши керак.

Наркомания иллатига мубтало бўлиш сурункали касаллик бўлиб, жамиятга жиддий таъсир кўрсатади. Уни даволаш наркотиклар ва саломатликка оид сиёсатнинг самарали ва зарур стратегияси ҳисобланади. Даволаш тиббий, психологик, психотерапевтик, шунингдек, ижтимоий ёрдамга асосланиши, шифохоналар, реабилитация ва маслаҳат марказларидаги юқори малакали тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилиши даркор. Наркоманларнинг даволаниш имкониятини ошириш учун зарур ресурслар билан таъминлаш муваффақиятли даволашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Наркотиклар, наркомания ва наркотик моддаларни истеъмол қилиш билан боғлиқ муаммолар тўғрисидаги ижтимоий ахборотни тарқатиш бу борадаги умумий стратегиянинг муҳим омилидир. Наркотикларни истеъмол қиладиган шахслар келажакда наркотикларсиз ҳаёт кечириши учун тиббий даволаш ва реабилитация хизматлари фаолиятидан хабардор бўлиши керак. Ахборот ва профилактика кампаниялари алоҳида мақсадли гуруҳларга қаратилиши даркор.

«КАДАП» дастурининг барча иштирокчилари муайян миллий шароитларда дастурнинг уч соҳасига оид минтақавий ва халқаро маълумотларни ўзаро алмашиш наркотикларга доир самарали, оқилона ҳамда барқарор стратегияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг муҳим жиҳати эканини эътироф этдилар. Ушбу жиҳатлар, ўз навбатида, чуқур ўрганиб чиқилиши ҳамда мустаҳкамланиши зарур.

**В.НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ САМАРАСИ

**«Нуроний» жамғармаси Сергели тумани бўлими томонидан ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ўқув машғулотларига қатнашган бир гуруҳ фахрийларга сертификат топшириш маросими бўлиб ўтди.**

БМТ Тараққиёт дастурининг «Ахборот-коммуникация технологиялари сиёсати» лойиҳаси доирасида ташкил этилган мазкур машғулотлар Сергели туманидаги коммунал хўжалик, ижтимоий-иқтисодий ва тадбиркорлик фаолияти соҳасида аҳолига хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган «Ягона ойна» марказида олиб борилди. Айтиб ўтиш жоизки, ушбу марказнинг замонавий компьютер ва бошқа техникалар билан жиҳозланган хоналари аҳоли учун бепул тренинг-семинарлар ўтказишга мўлжалланган.

Фахрийлар икки ҳафта давомида Windows муҳитида, MS Word матн редакторида ишлаш, интернетдан ахборот излаб топиш, шунингдек электрон почтадан фойдаланиш бўйича пухта билимга эга бўлди.

«Нуроний» жамғармаси ходимлари ва маҳалла оқсоқоллари учун ўқув машғулотларини Халқаро Вестминстер ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университетларининг талаба-ёшлари олиб борди.

Маросимда мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга кўрсатилаётган ғамхўрлик, кексаларга эътибор, уларнинг иш тажрибасини ёш авлодга ўргатиш борасида олиб борилаётган салмоқли ишлар алоҳида қайд этилди. Шунингдек, фахрийларга ахборот-коммуникация технологияларидан сабоқ беришнинг ўзига хос самарали йўллари хусусида атрофлича фикр алмашилди.

— Мазкур ўқув машғулотлари ҳукуматимиз ва БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ўртасида тузилган қўшма лойиҳа асосида амалга оширилиб, юртимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришга қаратилган, – деди «Туркистон-пресс» мухбирига лойиҳа иш юритувчиси Фурқат Ибрагимов. — Лойиҳа доирасида маслаҳатлар бериш, салоҳиятни мустаҳкамлаш, жамоатчилик орасида хабардорликни ошириш, шерикчилик муносабатларини яхшилаш каби йўналишлар бўйича тадбирлар ҳам ўтказилмоқда. Келгусида мавзуга оид туркум семинарларни давом эттириш белгиланган.

«АКТ сиёсати» лойиҳаси доирасида 2005 йилдан буён машғулотлар ўтиб берувчи ўқитувчилар фаолияти йўлга қўйилган. Эътиборли жиҳати шундаки, талаба-ёшлар фахрийлар билан бир қаторда меҳрибонлик ва мурувват уйлари, махсус мактаб тарбияланувчилари, жисмонан имконияти чекланганларга ҳам машғулотлар ўтамоқда.

Тадбирда ўқув жараёнларини тез ва аъло даражада ўзлаштирган тингловчиларга ҳомий ташкилотларнинг совғалари топширилди.

**Азима ҚИЁСОВА**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тавсиф қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.

Тендерга қуйидаги йўналишлар қўйилади:

**1.2010 йил 12 август** **соат 10.00 да**

| № | Йўналиш рақами | Йўналиш номи | Ҳаракат таркиби тури |
|---|---|---|---|
| 1 | 93 М | «Чорсу савдо маркази АШБ — Оқтепа майдони бекати» | Микроавтобус |
| 2 | 101 М | «Хоразм кўчаси — Қўйлиқ М4 АШБ» | Микроавтобус |
| 3 | 132 М | «Қўйлиқ М3 АШБ — Астробод маҳалласи (Сувсоз мавзеси)» | Микроавтобус |
| 4 | 149 М | «Авиасозлар АШБ—Бектемир тумани ИИБ бекати» | Микроавтобус |
| 5 | 151 М | «Оқтепа маҳалласи — Юнусобод 4-даҳа» | Микроавтобус |
| 6 | 176 М | «17- шаҳар шифохонаси бекати — ТошПТИ бекати» | Микроавтобус |
| 7 | 139 М | «М.Юсуф кўчаси АШБ — Сувсоз мавзеси бекати» | Микроавтобус |
| 8 | 1 А | «А.Югнакий мавзеси АШБ — Тошкент МУМ АШБ» | Автобус |
| 9 | 6 А | «Машинасозлар мавзеси АШБ — Тузел даҳаси» | Автобус |
| 10 | 16 А | «ТТЗ» АЖ АШБ — Тошкент вокзали АШБ» | Автобус |
| 11 | 17 А | «А.Югнакий мавзеси АШБ — Чорсу савдо маркази АШБ» | Автобус |
| 12 | 54 А | «Қўйлиқ М1 АШБ-Чкалов метро бекати АШБ» | Автобус |
| 13 | 60 А | «Юнусобод-17-даҳа — Тошкент вокзали АШБ» | Автобус |
| 14 | 63А | «Қорасув-1 мавзеси АШБ — Юнусобод 12 даҳаси АШБ» | Автобус |
| 15 | 68А | «Қўйлиқ М2 АШБ — Чорсу савдо маркази АШБ» | Автобус |
| 16 | 72А | «Авиасозлар АШБ — Юнусобод-12-даҳаси АШБ» | Автобус |
| 17 | 148А | «Авиасозлар АШБ — Жомий майдони бекати» | Автобус |
| 18 | 199А | «Қўйлиқ М2 АШБ — 4-шаҳар қабристони бекати» | Автобус |
| 19 | 20А | «5-Болалар юқумли касалликлар шифохонаси бекати — Жанубий вокзал АШБ» | Автобус |
| 20 | 35А | «5-Болалар юқумли касалликлар шифохонаси бекати — Пахтакор метро бекати АШБ» | Автобус |
| 21 | 53А | «Ўриказор мавзеси АШБ — Пахтакор метро бекати АШБ» | Автобус |
| 22 | 64А | «Бирлик мавзеси — Пахтакор метро бекати АШБ» | Автобус |
| 23 | 71А | «Тошкент МУМ АШБ — Чуқурсой темир йўл станцияси бекати» | Автобус |
| 24 | 79 А | «Бирлик мавзеси — Бошлиқ мавзеси» | Автобус |
| 25 | 87А | «Чинни бозори бекати — Қорақамиш 2/4 мавзеси АШБ» | Автобус |
| 26 | 88А | «Ибн Сино-2 мавзеси АШБ — М.Юсуф кўчаси АШБ» | Автобус |
| 27 | 113А | «Аэрация станцияси бекати — Фарҳод бозори бекати» | Автобус |
| 28 | 114 А | «Ибн Сино-2 мавзеси АШБ — Жанубий вокзал АШБ» | Автобус |
| 29 | 121 А | «Чинни бозори бекати — Юнусобод-9-даҳаси АШБ» | Автобус |
| 30 | 125 А | «Ўриказор мавзеси АШБ — Дўмбиробод кўчаси АШБ» | Автобус |
| 31 | 134 А | «Жанубий вокзал АШБ — ДАН пости (Зангиота туманидаги Мусаев маҳалласи)» | Автобус |
| 32 | 144 А | «Ибн Сино-1 мавзеси АШБ — Педагогика университети бекати» | Автобус |
| 33 | 147А | «Чорсу савдо маркази АШБ — Чинни бозори бекати» | Автобус |
| 34 | 188А | «Чорсу савдо маркази АШБ — Тошкент туманидаги Иттифоқ фермер хўжалиги» | Автобус |

**Тендер ташкилотчиси** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртманомаларни қабул қилиш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади.

Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги ЧОАКБ «Infin BANK»даги 20210000504197971001 ҳ/р (банк коди 01041, ИНН 204094453, ХХТУТ 51600)га **118 минг 900 сўм ўтказилади.**

Тендер таклифларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин (соат 17.00 да) тўхтатилади.

**Тендер ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.

**Маълумот учун телефон рақами:** 233-89-58.

# ТАЪТИЛИНГИЗ СЕРМАЗМУН ЎТСИН, БОЛАЖОНЛАР

**Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб вояга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўғил-қизларнинг пухта билим олиши, бўш вақтини мароқли ўтказиши учун барча шароит яратилган. Айни кунларда болаларни ўз бағрига олган ёзги соғломлаштириш ва дам олиш оромгоҳлари ҳам шу мақсадларга хизмат қилаётир. Мирзо Улуғбек туманидаги 223-мактаб қошида ташкил этилган «Гулзор» болалар оромгоҳи шулар жумласидандир.**

Оромгоҳларда таътил мавсумини мароқли ва мазмунли ташкил этиш мақсадида барча тадбирлар туман ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ, Қизил Ярим Ой жамияти, ўқувчилар ижодиёт марказлари билан ҳамкорликда ўтказилмоқда. «Ҳилол бизнес лайкс» корхонаси эса мактаб қошидаги оромгоҳларнинг сифатли озиқ-овқатлар билан таъминланишига катта ёрдам кўрсатмоқда.

— Бу ерда болалар дам олиш билан бирга соғлиғини мустаҳкамлаш имкониятига ҳам эга, — дейди тўгарак раҳбарларидан бири Е.Володина. — Болалар мароқли дам олиши, спорт билан шуғулланиши баробарида ўз қизиқишларига қараб рақс, рассомчилик тўгаракларига қатнамоқда. Улар учун ахборот-ресурс маркази ҳам ёз давомида фаолият юритади.

Оромгоҳда ташкил этилган мазмунли маданий-соғломлаштириш дастурлари доирасида ўтказилаётган «Мафтункор ранглар дунёси» ҳамда гиёвандликка қарши кураш мавзусидаги кўрик-танловлар, шахмат турнирлари, футбол бўйича биринчиликлар, эртак қаҳрамонлари карнавали, бадиий ҳаваскорлар гуруҳлари иштирокидаги концертлар, турли мавзудаги давра суҳбатлари болаларда унутилмас таассурот қолдириши шубҳасиз.

Шунингдек, ўғил-қизларга соғлом турмуш тарзи, гигиена қоидалари ва саломатлик сирларини ўргатиш мақсадида мутахассислар иштирокида учрашувлар, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Мактабнинг санитар ҳолати, ободонлаштириш ишлари, ёнғин ва техника хавфсизлиги, болаларнинг соғлиғи ва хавфсизлиги билан боғлиқ масалалар ҳам белгиланган тартибда ҳал этилмоқда.

— Мақсадимиз фарзандларимиз бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун етарли шароит яратиб бериш, бу борада таътил давомида кўзда тутилган маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари орқали уларнинг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишига ўз ҳиссамизни қўшишдан иборатдир, — деди туман халқ таълими бўлими бош мутахассиси Зебо Холиқова.

«Бола кулса, олам мунаввар» дейишади. Ҳақиқатан ҳам, ҳаётимиз қувончи, эртанги кунимиздан умид нишони ҳам болажонлар экан, ҳар бир ишимиз уларнинг порлоқ истиқболи, бахт-саодати учун хизмат қилсин.

**Дилрабо ОБИДОВА,**
**ЎзДЖТУ журналистика факультети талабаси.**

# САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

**«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуаси қошида ташкил этилган тиббиёт маркази аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.**





Мажмуа поликлиника ва реабилитация стационаридан иборат бўлиб, асосан невропатология йўналишидаги касалликларни даволашга ихтисослашган. Энг муҳими бу ерда ўз касбини яхши ўзлаштирган ўттиздан ортиқ олий ва биринчи тоифали шифокорлар фаолият кўрсатмоқда.

— Парафин терапияси, уқалаш, дарсенвал, диадинамик токлар, даволаш жисмоний тарбияси, ультратовуш ўрганиш каби физиотерапия муолажалардан ташқари, сув ҳавзаси, сауна ва косметика хоналари ҳам мавжуд, — дейди марказ бош шифокори Рустам Раҳимов. — Яқиндан бошлаб сув ўтишининг алоҳида чех технологияси қўлланилган махсус даволаш ванналаридан фойдаланмоқдамиз.

Ушбу марказда фақат ўтган йил давомида бутун республикамиздан 1500 га яқин оила соғломлаштириш муолажаларидан фойдаланган. Марказ режаларидан даволаш ўринларини 30 тадан 60 тага етказиш, кундузги стационар очиш, физиотерапия муолажалари учун замонавий анжомларни янада кенг қўллашни жорий этиш каби хайрли мақсадлар ўрин олган.

**И. ДИЛШОДОВ**
**Алексей Попов олган суратлар**

## Спорт янгиликлари

### ҲАМЮРТИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҒАЛАБАСИ

**Профессионал боксда ҳам омадини синашга аҳд қилган чарм қўлқоп устаси Шерзод Ҳусанов биринчи ўрта вазн тоифасида WBC international йўналишида чемпионликни қўлга киритганидан мухлисларнинг хабари бор, албатта.**

Яқинда АҚШнинг Вашингтон штатидаги Эйрвей Хейте шаҳрида ҳамюртимиз Шерзод Ҳусанов ва колумбиялик Жон Берриос ўртасида профессионал бокс бўйича уюштирилган навбатдаги жанг Шерзодга омад келтирди.

Жон Берриос Колумбия чемпиони ҳисобланади. Шу боис ҳам ушбу беллашувга мухлислар катта қизиқиш билдирди. Қувонарли жиҳати, Шерзод рақибига ўн раунд давомида кетма-кет қақшатқич зарбалар берди ва тўлиқ устунлик қилган ҳолда ғалабага эришди. Ҳаваскор боксда 2000-2004 йиллардаги Олимпиада ўйинларида терма жамоамиз сафида иштирок этган, 2001 йил жаҳон чемпионатида бронза, 2003 йил жаҳон чемпионатида эса кумуш медални қўлга киритган Шерзод Ҳусановга профессионал боксда ҳам доим зафар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

### ТЕМУР ЯНА ҒОЛИБ

**Профессионал бокс бўйича IBA international Heavyweight Title таснифи ғолиби бўлган Темур Ибрагимов АҚШнинг Флорида штатида ўтказилган бокс кечасида америкалик Оливер Макколлга қарши рингга чиқди ва чемпионлик камарини сақлаб қолди.**

Темурнинг техника ва тактик жиҳатдан рақибидан маҳоратли эканлиги ўн икки раунд давом этган беллашувда яққол кўзга ташланиб турди. Жанг мобайнида тўлиқ устунлик қилган ҳамюртимиз ғалаба қозонди.

Профессионал бокс билан етти йилдан бери шуғулланиб келаётган Темур шу кунгача ўтказган 31 та жангдан 15 тасини нокаут билан, қолганларини очколар ҳисобига ўз фойдасига ҳал эта олган.

### ЯПОНИЯДАН БРОНЗА МЕДАЛИ БИЛАН

**Японияда велопойга бўйича Осиё Кубоги босқичи бўлиб ўтди.**

Қитъамизнинг таниқли спортчилари иштирок этган ушбу баҳсларнинг ўсмирлар ўртасидаги беллашувларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Тимур Гумеров бир километрлик пойгада маррага учинчи бўлиб етиб келди ва бронза медали билан тақдирланди.

### ОЛИМПИАДАГА ТАЙЁРГАРЛИК

**«Соғлом тишлар — соғлом спортчи» — ушбу шиор остида Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси, Стоматолог-имплантологлар жамоатчилик бирлашмаси ва Тошкент тиббиёт академияси учинчи клиникаси ҳамкорлигида 2012 йилда Лондонда ўтказиладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўраётган спортчилар иштирокида акция бошланди.**

Спортда катта ютуқларга эришиш учун спортчи руҳан мукаммал тайёргарликка эга бўлиши зарур ва шарт. Шу боис ҳам спортчининг ҳаёти узлуксиз машғулотлар билан давом этади. Уларнинг соғлиғи учун соғлом турмуш тарзи ниҳоятда муҳим. Тиббиётчиларнинг фикрига кўра, спортчининг фаол жисмоний ҳаракати пайтида оғиз бўшлиғида пайдо бўлган турли касалликлар вақтида даволанмаса, бу ҳолат узлуксиз тус олиши, жисмоний ва руҳий ҳолатга, охир-оқибат спорт натижаларига салбий таъсир этиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда Лондон Олимпиадасига тайёргарлик кўраётган спортчиларимизни стоматологик кўрикдан ўтказиш жараёни бошланди. Тадбир давомида спортчининг жисмоний-стоматологик ҳолатига баҳо берилади ва профилактика ёрдами кўрсатилади. Мазкур акция 25 июлга қадар давом этади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


**Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан,** Тошкент шаҳар хўжалик судининг 03.09.2009 йилдаги №10-0920/10794 ижро ҳужжатига асосан, Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими биноси ҳудудида сақланаётган, "ВАЗ-21074-110-30" русумли, д/р 10ВН295 бўлган, 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 11 950 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 10 август куни соат 11:00да бўлиб ўтади.**

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситаси 2010 йил 10 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситасини сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 31 август куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

**Шунингдек, 2010 йил 27 июль куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран Ҳамза тумани СИБ томонидан,** ЖИБ Ҳамза тумани судининг 25.12.2007 йилдаги 1-842-2007 ижро ҳужжатига асосан, Ҳамза тумани, Мўйноқ кўчаси 241-уйда сақланаётган, "ВАЗ-21063" русумли, д/р 11Х1290 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 4 824 649,4 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг "Ипак йўли банки" ОАИКБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО:01036, ИНН:200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. www.rkmb.uz.



**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56.Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32. 2-қават, 208-хона.**


## Ўз-ўзо ўрганиб доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ҲИКМАТЛАР

Не керак жаҳонда
яшашлик узоқ,
Буюрмаса дунё
сирини очмоқ?!

* * *

Ҳадикни дилингдан
қувиб, бошла иш.

* * *

Жонимиз биргина,
ҳаёт бебаҳо.

* * *

Туғилишнинг охир ўлими
ҳам бор.

* * *

Пўлатдан бўлсанг ҳам
асло қилма дов,
Кемириб, йўқотар фалак беаёв.

* * *

Жангга киришмаса,
чиниқмайди шер.

* * *

Машварат билан еч
жаҳон бандини.

* * *

Ёвни кичик билиб, кутма
омонлик,
Кунинг битар, тақдир
қилса ёмонлик.

* * *

Адолат кўргазмоқ бўлса
кор-боринг
Билки, бу дунёда ошар
миқдоринг.

* * *

Жаҳонда фарзанддан ўзга
йўқ, пайванд.

* * *

Ҳеч кимга сирини
сўйламас жаҳон.

* * *

Жаҳонни бермайлик,
келинг, ёмонга,
Барчани бошлайлик
яхши томонга.

* * *

Яхши ҳам, ёмон ҳам
қолмас пойдор,
Яхшиси: "яхшилик
қолсин ёдгор".

* * *

Ниҳоят яхши сўз қолур ёдгор,
Сўзни хўп авайла,
хор айлама, хор!

* * *

Эй дунё, ишларинг нечук
беўхшов,
Ўзинг парваришлаб,
ўзинг қилсанг ов.

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**




МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.
3840 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

123 5

Буюртма Г- 606

Топширилган вақти: 15.50